

МЕНИНГ КОНСТИТУЦИЯМ – МЕНИНГ КЕЛАЖАГИМ!



ХАЛҚ МАНФААТИГА ДАХЛДОР

Мамлакат сиёсий майдонида ўзига хос нуфузга эга бўлган O'zLiDeP томонидан “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳасининг мазмун-моҳиятини тушунтиришга бағишланган тадбирлар тизимли равишда давом эттирилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Ақтам Хаитов Жиззах вилоятининг Ғаллаорол ва Шароф Рашидов туманларида ўтказилган конституциявий ислохотларга оид қонун лойиҳасига бағишланган тадбирларда қатнашди. Хусусан, Ғаллаорол туманидаги сутни қайта ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Давр-М” хусусий корхонаси раҳбари Бутунбой Азимов ва бошқа тадбиркорлар билан бўлган очиқ мулоқотда кўпроқ хусусий мулкка бўлган муносабат ҳақида атрофлича сўз юритилди.



Партия етакчиси тараққиётнинг кўп асрлик тажрибаси, хусусий мулксиз, унинг ишончли кафолатисиз кучли ижтимоий давлат қуриб бўлмаслигини кўрсатаётганини, шу боис Бош қомусимизда хусусий мулк ҳимоясини таъминлаш учун зарур бўлган конституциявий кафолатлар кучайтирилаётганига эътибор қаратди. Шароф Рашидов туманидаги “GOLD FISH AGRO EKSPORT” балиқчилик кластерида бўлиб ўтган жонли мулоқотда иштирок этган партия фаоллари, кластер ишчи ва ходимлари партия етакчисига конституциявий ислохотларга доир қонун лойиҳаси тўғрисида кўплаб саволлар билан мурожаат қилишди. Жумладан, тадбиркорлар қонунчиликда тақиқланмаган ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга, ўз фаолият йўналишларини мустақил равишда танлашга, тадбиркорликдан чекланмаган миқдорда даромад олишга ҳақли эканини Конституцияда мустаҳкамлашни, давлат хусусий тадбиркорлиқни ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик ва инвестициявий муҳит ҳамда шароитларни таъминлаши, эркин ва ҳалол рақобатнинг ҳимоя қилиниши, иқтисодий фаолиятда монополиялаштиришга йўл қўйилмаслиги кафолатланиши ва бошқа ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида фикр юритилди.



Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, бугун Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманида яшаётган томорқа соҳиби, техника фанлари номзоди Омонжон Эргашев номи элда дoston бўлаётир. Сабаби отахон пенсияга чиқиб, оёқни узатиб ётиш ўрнига бир парча томорқасини гуллатяпти бугун. Ва буни қарангки, тарвузни вертикалига ўстириб, 25 сотихга экиладиган кўчатни 2 сотихга жойлаштирганига ҳамма лолу ҳайрон. Шундай усулда бу ер 12 марта тежалган. Ҳозир мамлакатимизнинг барча бурчакларидан бу ажойиб тажрибани ўрганиш учун кўпчилик келиб кетяпти. – Тарвузни осиб ўстиришни интернетда кўриб қолдим-у, ҳаловатим бузилди. Бизнинг водий тупроғига мослаштирдим. Ҳамма харажатим 1 миллион 400 минг сўмга тушди. Даромад ҳозирча 15 миллион сўмдан ошди, – дейди Омонжон ака. – Иссиқхонада биогумусга уруғ қадаб, кўчат етиштирдим, 15 апрелда очиқ ерга ўтказдим. Ҳар бир тарвуз 5 килодан 17 килогача тош босяпти. Сал кечикибман, бўлмаса, 20 кун олдин ҳаракат қилганимда 30 миллион фойда нақд эканда. Шунисигаям шукр!

5с.

НЕГА “ФУҚАРО”ГА ЁПИШАСИЗ?

3с.



ДАБДАБАЛАР ЭЛНИ ДАБДАЛА ҚИЛМОҚДА

5с.

ЖОМБОЙДАГИ ЖОНБАХШ ЖОЙ ЁХУД ЖАЗИРАМА ЁЗДА ҚУМДА “ЧЎМИЛИШ” ФОЙДАЛИМИ?

6с.



ТЕЛЕ-РАДИОНИНГ “ТИЛИ” ЎЗГАРАДИ(МИ?)!

6с.

◀◀ Бошланиши 1-саҳифада.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

Навбатдаги мулоқот “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг Самарқанд вилояти ҳудудда жойлашган “Нуробод” ҳудудий бошқармасида ўтказилди. Унда иштирок этган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, О‘зЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Ақтам Хаитов Бош қўмушимизнинг 64 та моддасига 200 дан ортиқ ўзгаришлар киритилиши назарда тутилаётганига тўхталди. Таклиф этилаётган янгиликлар “инсон – жамият – давлат”, “Янги Ўзбекистон – ижтимоий давлат” деган эзгу ғояларни асосий қоида сифатида муҳрлашга йўналтирилган. Хусусан, 27-моддага киритилиши кутилаётган “Ҳар ким уй-жой дахлсизлиги ҳуқуқига эга. Суднинг қарорисиз уй-жойдан маҳрум этилишга йўл қўйилмайди”, деган меъёр аҳолини анча йиллардан бери қийнаб келётган “снос” муаммосини бартараф этишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Учрашув низоҳасига етгач, партия етакчиси фермер ва томорқачилар билан суҳбатлашди. Жумладан, Нуробод тумани ҳокими Шерали Юлдашев билан биргаликда “Саҳоба” фермер ҳўжалиги раиси Одил Ҳаққуловнинг лалми ердан унумли фойдаланиш учун томилатиб сўғоришга имтиёзли кредит ва субсидия ажратиш, “Халқобод” маҳалласида яшовчи Турдикул Бердимуродовнинг ғалладан бўшаган ерга картошканинг “Санта” навини екишда амалий ёрдам бериш ҳақидаги мурожаатлари атрофлича кўриб чиқилди. Мазкур масалаларнинг ижобий ечими юзасидан масъулларга аниқ топшириқлар берилди.

Мулоқотлар давомида фракция раҳбари



алоҳида таъкидлаганидек, Конституция – очик жамият шаклланишида, давлат бошқарувида энг муҳим ҳуқуқий ҳужжат. Асосий қонуннинг ўзгариши халқ манфаатига дахлдор масаладир. Бинобарин, ҳар бир фуқаро Бош қомус такомиллаштирилишида фаол қатнашиши керак.



ЙИҒИЛИШСИЗ... ТАРҒИБОТ ҲАМ БЎЛАДИ!

**Шу кунларда
“Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси қизғин давом этмоқда.**

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби бундай тадбирлар Жиззах вилоятида ҳам тизимли равишда ўтказилмоқда. Уларнинг сифатли ва самарали ташкил этилишида жойлардаги адлия органлари муносиб ҳисса қўшаётир.

Мулоқотларни уюштиришда бир хиллик ва расмийлаштирилган воз кечиб, ноанъанавий ва таъсирчан воситалардан фойдаланилаётгани иштирокчиларга маъқул тушяпти. Жумладан, Зарбдор туман адлия бўлими ҳамда Юридик марказ ходимлари томонидан тарғиботни йиғилишсиз, маърузаю мажлисиз олиб бориш усули танланган. Мутахассис ва мутасаддилар ташвиқотга айна йўналиш орқали ёндашиш қайтага унинг натижадорлиги ошаётганини таъкидлашмоқда.

Аслида Конституцияга киритиляётган ўзгариш ва қўшимчаларнинг

тон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги Қонун юзасидан ўтказилган тарғиботни келтириш мумкин. “Референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эгадир”, деган меъёр ушбу қонуннинг 8-моддаси 1-қисмига киритилгани ва бошқа маълумотлар йиғилиш шаклидаги анъанавий тадбирдан кўра ноанъанавий усулда кенгроқ оммага етказилгани фикримиз далилидир.

Референдум жараёнида бошқа давлатлардан ва халқаро ташкилотлардан келган кузатувчиларга мандатлар берадиган орган белгилангани, Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари устидан Олий судга шикоят қилиш муддати 10 кундан 5 кунга қисқартирилганини етказиш мақсадида шу иссиқ кунларда уюштирилдиган, иштирокчиларнинг айримлари мудраб ўтирадиган мажлисини ўтказишга эҳтиёж борми, деган саволга жавоб бериш учун олим ё сибсатчи бўлиш шарт эмас.

Ташвиқотга инновацион ёндашиш имконияти йўқ жойларда, табиийки, “Давра суҳбати” тартибидаги тадбирлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қиляпмиз. Бундай мулоқотларга “маҳаллабай” ва “хонадонбай” тизимида алоҳида эътибор қаратилмоқда.



“Инсон – жамият – давлат” тамойилига асосланганининг ўзиёқ ҳаммамиз ўзгаришимиз ва иш услубимизни ўзгариштиришимизни талаб этади. Учбурчакни англатувчи кадр чўққисига, аввало, инсон қўйилар экан, барча тадбирларда унинг манфаати бирламчи бўлиши керак. Инсон (ҳодим)ни иш вақтида ёки ишдан кейин бирор жараёнга жалб қилиш унинг ўз хоҳиши ва ихтиёри билан амалга оширилиши Бош қомусимиз пойдевори сифатида кўриляётган “Инсон – жамият – давлат” тамойилининг ўзгинаси, назаримда.

Ҳўш, йиғилишсиз тарғибот қандай ва у не чоғли самарали?

Мана, масалан, энг оддийси: ташвиқот ўтказиш режалаштирилган ташкилот (идора) ишчи-ҳодимлари компьютерининг бош экранига конституциявий ислохотларнинг долзарблиги билан боғлиқ, “уйқў” режимига эса аянчилиши кутиляётган моддалар ҳақидаги маълумотларни навбатма-навбат жойлаштириш орқали барчани қамраб олиш мумкин. Бундан ташқари, бир неча киши ишлайдиган хоналарга кириб, қизиқарли савол ташлаш усули билан ҳам уларнинг тақлифларини билиб олиш мумкин. Ижтимоий тармоқлардаги саҳифалар ҳамда ҳамкасбларнинг хизмат доирасида фойдаланиладиган телеграм каналлари ҳам таъсирчан тарғибот воситалари бўла олади.

Зарбдор туманидаги адлия органлари нафақат юқоридаги, балки бошқа қонун ҳўжатлари муҳокамасида ҳам мажлисиз ташвиқот усулини имкон қадар кўпроқ қўллашяпти. Мисол учун, янги таҳрирдаги “Ўзбекис-

Қизиқиш ҳам шунга яраша бўляпти.

Янги лойиҳада Конституциянинг 112-моддасида судьяларни алмаштириб бўлмайди, уларнинг ваколатлари фақат қонунда белгиланган тартибда ва асосларга кўра тугатилиши ёки тўхтатилиши мумкин, деган қоидага белгилаш таклиф этилмоқда. Муҳокамалар қатнашчилари бунинг мазмун-моҳияти нимадан иборатлигини қайта-қайта сўрашди. Мутахассисларимиз эса бу судьялар уларнинг розилигисиз бошқа лавозимга ёки бошқа судга ўтказилиши мумкин эмаслигини, судьялар фаолиятига араштиш, босим ўтказиш, фаолиятини тўхтатиш каби ҳолатларга барҳам берилишини атрофлича тушунтиришди.

Шунга ўхшаш норма “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг 13-моддасида ҳам акс этган. Модомики, Асосий қонунимизнинг 112-моддасига шу билан боғлиқ нормани киритиш орқали судьяларнинг ваколатлари муддати давомида алмаштирилмаслиги, судьянинг ваколатлари қонунда белгиланган тартибдан ҳамда асослардан бошқача тарзда тугатилиши ёки тўхтатиб турилиши мумкин эмаслиги назарда тутилмоқда. Бу орқали судьяларнинг мустақиллиги конституциявий даражада қафолатланади. Айни шундай ёндашув, ўз навбатида, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўлақонли таъминлашга хизмат қилади.

**Фарҳод ЭШАЛИЕВ,
Зарбдор тумани Юридик
хизмат кўрсатиш маркази
бош юристконсульти**

ТАКЛИФ



ҲОКИМЛАРНИ САЙЛАШ ВАҚТИ КЕЛДИ!

Жойлардаги ижро ҳоқимияти раҳбарлари бўлган ҳоқимларни тайинлаш эмас, муқобил номзодлар асосида сайлаш масаласини Конституцияда мустаҳкамлаб қўйиш зарурати келди, назаримизда.

Дастлаб бу сайлов тегишли кенгаш депутатларининг алоҳида яширин овоз бериш йўли билан амалга оширилгани маъқул. Шундагина ҳоқимларнинг кенгаш ва депутатлар олдида масъулияти ортади. Бу эса ўз-ўзидан депутатларни сайлаган сайловчилар билан доимо ҳисоблашиш кераклигини англатади. Агар аксар сайловчилар қайсидир номзодга қарши эканини билдиришса, депутат шундан келиб чиқиб овоз беради.

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ СОЛИҚЧИЛАР МУҲОКАМАСИДА

Навоий вилояти Давлат солиқ бошқармасида фаолият юритаётган солиқ хизмати ҳодимлари иштирокида Конституциявий қонун лойиҳасининг муҳокамасига бағишлаб “Конституциямизнинг ижодкори халқдир” мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Йиғилишда партиянинг Навоий вилоят кенгаши раисининг ўринбосари-аппарат раҳбари М.Эшннйёзов мазкур қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти ҳақида маълумот берди. Бугунги кунда барча қатлам вакиллари, жумладан, партиянинг фаол аъзоларидан кўплаб таклифлар тушаётганилиги сабабли умумхалқ муҳокамаси иккинчи бор узайтирилганига алоҳида эътибор қаратилди.

Бош қомусимизга яна қўшимча тарзда 6 та прим модда киритилётгани, умуман олганда, лойиҳага ўзгаришлар тушган ҳар бир моддада инсон манфаатлари ва қадри устувор белгиланган бўлиши катта аҳамиятга эга экани тушунтириб ўтилди.

**М.ФАРМОНОВА,
ОМҚП депутати ёрдамчиси**



Ўзини шу Ватанга дахлдор деб билган ҳар бир фуқаро “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳаси билан танишиб чиқиши шарт. Акс ҳолда, у бефарқ фуқаро ҳисобланади. Бефарқлик эса ўз ҳуқуқи жловини бошқаларга бериб қўйган билан баробар.

Конституция – давлатнинг асосий қонуни. “Фуқаро” – ундаги энг муҳим сўз. Чунки давлат – халқники. Конституциянинг 8-моддасига биноан: “Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади”. Шунинг учун бу ҳужжатда, аввало, шу давлат фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланади.

Қизик ҳалқмиз, ғалати феълимиз бор-да. Ўзимиз кўп ҳам бош қотириб ўтирмаймиз-у, биров бир нарсани кавлаб, айтиб қолса, ўйламай-нетмай, тагини суриштириб ўтирмай, шу гапга лаққа тушамиз-да, ишониб кетаверамиз.

Кейинги йилларда қай бир “билимдон” тилимизни ўринсиз тафтиш қилишга тушиб: “Фуқаро” сўзи “гражданин” сўзининг маъносини ифодаламайди, мутлақо хато қўлланяпти. Чунки “фуқаро” сўзи “камбағал” деган маънони билдиради. Нима, мамлакатимиз аҳлини “камбағал” деймизми?” дея роса бонг урди.

Шундан кейин филолог сифатида менга ҳам кўп кишилардан мурожаатлар бўлди. Бир гал раҳматли Рустам Қосимов шу масалада фикримни сўради. Ушанда каминан Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари ўринбосари, у киши эса Бош вазир ўринбосари – Республика Маънавият ва маърифат кенгаши раиси эди. “Йўқ, – дегандим ўшанда, – “фуқаро” сўзи жуда жойига тушган”...

НОЎРИН ТАКЛИФЛАР

Тўғри, шўро даврига қадар миллий давлатчилигимизда ҳозирги тушунчадаги фуқаро тизими (институт) бўлмаган. Шунинг учун бу тушунча расман тилимизга русчадан кириб келган “гражданин” сўзи билан ифодалаб келинган.

Тагини суриштирсангиз, бу русчада “шаҳарлик” (“горожанин” – “гражданин/гражданика” – “гражданин”) деган сўздан келиб чиққан. Шунга кўра бўлса керак, Тожикистон Республикасида бу тушунча “шаҳрвон” калимаси билан ифодаланади (“шаҳарликлар” деган маънодан келиб чиққан).

“Фуқаро” сўзига ёпишганларга қўйиб берсангиз, бунга ҳам: “Мамлакат фуқароларининг ҳаммаси ҳам шаҳарлик эмас, катта қисми қишлоқларда яшайди-ку!” дейиши мумкин. Ҳолбуки, “шаҳрвон” ҳуқуқий истилоҳга айлангилариб, биздаги “фуқаро” маъносини англатадиган бўлган. “Шаҳарликлар” дейиш керак бўлса, “шаҳрийн” ёхуд “шаҳрихо” шакллари қўлланади.

Қозоғистон Республикасида “азамат” сўзига “фуқаро” маъносини ташвиш юклатилган. “Азамат” сўзи аслида “кучли”, “мадр”, “жасоратли” дегани. Қозоқ зиялилари: “Ахир, ҳамма фуқаро ҳам азамат бўлавермайди”, деяётгани йўқ-ку!

Қирғизлар ҳам мустақилликнинг дастлабки йилларида “гражданин”ни “азамат” дейишаркан эди. Кейинги йилларда “жаран” сўзи қўлланяпти. Бу тохиқча “ёрон” (“ёрлар”, “дўстлар”) сўзининг қирғизча талаффузга мослашган варианты.

Туркия Республикасида “гражданин” маъносидан “ватандош” сўзини ишлатиш маъқул қўрилган.

Биз “гражданин” сўзи ўрнига “шаҳарлик”, “азамат”, “ёрон”, “ватандош” калималаридан ҳеч бирини қўллай олмас эдик. Чунки уларнинг ҳар бири тилимизда айри-айри мустақил маъно англатади-да.

Кимдир “гражданин” ўрнига “бек” ва “гражданик” ўрнига “бека”ни қўллашни таклиф қилди. Бачкана, асоссиз, охиригача ўйлаб қўрилмаган бир фикр бу. Биринчидан, туркий тилда жинс (род) белгиси йўқ. Иккинчидан, бундай ўта муҳим ҳуқуқий тушунчани икки шаклда қабул қилишга нима ҳолат бор? Учинчидан, “Ўзбекистон фуқаролари” тушунчасини ифодалаш керак бўлса, “Ўзбекистон беклари” дейимизми ёки “Ўзбекистон беклари” дейимизми? Рус тилида род борлиги учун “гражданин” ва “гражданик” сўзлари мавжуд. Лекин “гражданин” деган умумлаштирувчи кўплик шакли ҳам бор-да. “Россия фуқаролари” дейиш керак бўлса, “гражданин Россия” дейилади.

Таклифнинг охиригача ўйланмай илгари сурилганини қарангки, “бек” эски даврда ҳозирги “ҳоким” маъносини англатган: “Кармана беги”, “Қарши беги”, “Шаҳрисабз беги” дегандек. Русча “домохозяйка”ни эса ҳозир “уй бекаси” дейимиз. Эски замонда “бегим” аёлларга нисбатан ҳам ишлатилган: “Хонзодабегим”, “Ҳадичабегим”... Бу, қайтанга, тилда кўп-кўп чалкашликларга сабаб бўлмайdimи?

Кимдир турклардаги “ватандош”ни ишлатишни таклиф қилди. Ҳатто айрим шошқалоқ зиялилар нутқида, Конституциямизга мутлақо зид равишда, “фуқаролар” маъносидан “ватандошлар” сўзи ишлатила бошлади ҳам. Кимдир қозоқларга тақлидан “азамат”ни таклиф қилди. Айримлар шошиб-пишиб, буни ҳам қўллашга тушди. Кимдир “ватандор” шаклини ҳам ўйлаб топиб, таклиф қилиб кўрди.

Шуқрлар бўлсинки, “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳасида “фуқаро” сўзи “фуқаро” тарзида қолдирилди!

БАҲС ЯКУН ТОҚДИМИ?

Шу тариқа бу ўринсиз баҳсга чек қўйилди, албатта. Бироқ “фуқаро” сўзининг тилимизда бундай ўта муҳим ҳуқуқий тушунча ифодасига келганига қадар босиб ўтган йўлини таҳлил қилиш, биринчидан, унга эътирозли борлар учун илмий жавоб бўлади, иккинчидан, яна бундай ўринсиз баҳслар келиб чиқишининг олдини олади.

Тилнинг бир олтин қонунини шуки, бошқа лисондан ўтган сўз энди ана шу янги тилнинг дахлсиз мулкига айланади. Тил худди ўз сўзларига эгалик қилгани каби, бу калимага ҳам мутлақ эгалик қилади. Яъни уни қандай хоҳласа, шундай ишлатади, унга қандай маъно юкламақчи бўлса, юклайди.

Бу худди бир давлат пул бирлигининг иккинчи давлатга кириб келишига ўхшайди. Масалан, АҚШнинг Ўзбекистонимизга кириб келган доллари энди ўзимизники ҳисобланади. Унга нима сотиб олиш кераклигини АҚШдан сўраймизми? Йўқ! Масалан, АҚШ долларига ҳеч қачон, масалан, палов, қурут, ҳолвайтар, бешбармоқ сотиб олинмаган бўлиши мумкин. Лекин сиз, марҳамат, долларингизни ўзбек сўмига алмаштирасиз-да, сотиб олаверасиз. Долларни ишлатиш ихтиёри сизга ўтдими? Ўтди! Худди шундай, хорижий лисондан кириб келган сўзини қандай ишлатиш ихтиёри ҳам бу тилга ўтади.

Тўғри, “фақр”, “фақир”, “фуқаро” сўзлари “камбағал-



лашмоқ” маъносидидаги арабча “фақара” ўзагидан ясалган. “Фақир” эса “фақрга эга киши”ни билдиради. Арабчада, эски ўзбек тилида ҳам “фақир” деб камбағални айтишган, албатта.

Аммо бу билан чекланилмаган. Масалан, Навоий кўпинча ўзини тилга олиши керак бўлганда, “мен” дейишни, мақтанчоқлик бўлади, деб ҳисоблаб, “фақир” деган. Ёки “фақирлардан бири” деб ҳам аксаран ўзини айтган. Бу айнан “мен” дегани.

Бироқ, келинг, очикроқ гаплашайлик: буни ҳозирги пайтда мутахассислардан бошқа киши биладими? Йўқ даражада. Чунки бу сўз аллақачонлар нофаол лексикага айланиб улгурган.

“Фақир” сўзи Бухоро шеvasида беозор, ювош, юмшоқтабиат, хушмуомала, камтар, камсуқум инсонга нисбатан қўлланади. Тошкент шеvasида эса “фақир” (талаффузда “пақир”) кўпроқ “бечора” маъносини ифодалайди: “бола пақир”.

“ФУҚАРО” СЎФИЙЛАРНИ АНГЛАТГАН

“Фақр” шакли фақат эски ўзбек тилидаги адабий манбаларда учрайди. Масалан, Навоийнинг “Лисон ут-тайр”ида Худхуд бошчилигидаги қушлар етти водийни босиб ўтишди. Охириги водий “Фақру фано” деб аталади. Тасаввуф вакиллари ҳам Навоий асарларида “фақр аҳли” деган ифода билан англатилади.

Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат...” тазкирасидаги “зовия фуқароси” (Алишер Навоий, Муҳаммад асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 17. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 478) сўз бирикмаси “хонақоҳ сўфийлари” маъносидан қўлланган. Тасаввуф аҳли ўтқинчи дунёга берилмаслиқни тарғиб этиб, фақирликни фақр деб билишган. Шунинг учун тасаввуф вакиллари эски тилимизда “фақр аҳли” деб ҳам, “фуқаро” деб ҳам аталган. Навоийнинг “Ғаройиб ус-сигар” девонидидаги 218-ғазалда:

Гоҳ **фақр** аҳлига ҳам раҳм кўзи бирлан боқ,
Ким дуоғуён эрурлар **фуқаро**, эй қорақўз, –

деган байтни ўқиймиз. “Фақр аҳли” ҳам, “фуқаро” ҳам бу ерда “тасаввуф аҳли” маъносидан келган.

“ФУҚАРО” КЎПЧИЛИКНИ АНГЛАТАДИ

Абдурауф Фитратнинг “Ҳинд сайёҳи баёоти” асарида Бухоро аҳли иккига – “умаро” ва “фуқаро”га бўлинади (Қаранг: Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. 1-жилд – Тошкент: Маънавият, 2000. – Б. 61). Бу худди одамларни “давлат маъмуллари” ва “оддий кишилар”га бўлишдек гап.

XV аср тарихчиси Аҳмад ибн Маҳмуд Бухорий ўз замонасида “Муъин ал-фуқаро” деган унвон билан улуғланган (Қаранг: Аҳмад ибн Маҳмуд Бухорий. Тарихи Муллозода (Бухоро мазорлари зикри). – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2009. – Б. 3). Бу “халқнинг иймони” дегани. Ҳатто араб тилининг аҳамияти ҳозиргидан кўра неча қарра устун бўлган XV асрда ҳам “фуқаро” сўзи фақат “камбағаллар” маъносиданига эмас, “халқ”, “аҳоли” маъносидан ҳам қўлланганини кўрамыз.

Бундан бир аср олдин яратилган “Ўткан кунлар”да Тошканд ҳокими Азизбек ўрда дарозаси олдида йиғилган аҳолига: “Фуқаро!” деб мурожаат қилади, қипчоқлардан жабр кўрган элни: “Қора чопон фуқаром!” дейди. Йиғилганларни адиб “халқ” деб тилга олади.

Демак, сўз “камбағаллар” маъносидан эмас, айнан бугунги тушунчадаги “гражданинлар” маъносидан қўлланган. Фақат буюқ адиб бу сўзни, арабчадагидек, кўпلىкни англатадиган тарзда қўллаган. Бугун ёзилганида “фуқаролар” деб ишлатилар эди.

“ФУҚАРО” СЎЗИДА ҲАҚОРАТ ЙЎҚ

Биз кўп ҳақиқатларни яшириб, аксар сирларни ошкор қилишдан тийилиб келган халқмиз. Миллий тарбиямиз ҳам шуни тақозо этади. Мустамлакачилик даври эса шунга мажбур ҳам қилган. Лекин замон ўзгаряпти. Ҳаётга, дунёга кўзини очиб қараганларгина ютяпти. Шу маънода, келинг, очикроқ мулоҳаза қилайлик.

Ўтган асрларда халқини “фуқаро” деган ота-бобола-

римиз хато қилдимикан? Йўқ! Азалдан аҳолининг аксар қисми камбағал келган. Хўш, ҳозир-чи?

Ижтимоий тармоқларда тарқатилаётган маълумотларга қараганда, Россиянинг энг бой 1 фоиз аҳолиси мамлакат миллий бойлигининг бор-йўғи 6 фоизигина – халқнинг 70 фоизи қўлида. Яна бир хабарга кўра, бугунги кунда АҚШда 745 миллиардер бор. АҚШ Федерал захираси кенгаши ҳисоб-китобида кўра, ҳозирги пайтда ана шу бор-йўғи 745 киши қўлида 5 триллион доллар жам бўлган. Аҳолининг йўқсил 50 фоизидан эса жами 3 триллион доллар мавжуд, холос.

Агар “фуқаро” сўзини “камбағал” маъносидан қўлласак, Ер юзидан энг бой давлат, яъни АҚШда ҳам аҳолининг асосий қисми фуқаро.

ШЎРО ДАВРИДА ҲАМ ШУНДАЙ ДЕЙИЛГАН

Шўро даврида “гражданин” сўзи фаоллашиб, тилимиздан “фуқаро” калимасини сиқиб чиқарди ҳисоб. Бироқ 1950 йили чоп этилган 5 жилдлик Русча-Ўзбекча луғатда ўқиймиз: “ГРАЖДАНИН м, ГРАЖДАНКА ж (мн. ГРАЖДАНЕ) – гражданин (1. Бирор давлатнинг фуқароси, табааси; ...2. Вояга етган киши; 3. Эҳтиром билан бирор кишига мурожаат қилганда айтиладиган хитоб)” (қаранг: Русча-Ўзбекча луғат. 5 томлик. Т. 1. – Тошкент: ЎзССР Фанлар академияси, 1950. – Б. 375). Демак, бир пайтлар “табаа” сўзи ҳам “гражданин” маъносини англатган.

1959 йили чиққан Ўзбекча-русча луғатда “фуқаро” сўзи: “1. Жители, народ; 2. Подданные”, “фуқароларвар” эса “защитающий интересы своего народа (буквально: своих подданных)” (Ўзбекча-русча луғат. – Москва: Хорийжий ва миллий луғатлар, 1959. – Б. 494) тарзида ифодаланган.

1983 йили босилган Русча-Ўзбекча луғатда ҳам “гражданин” сўзи “гражданин, фуқаро, табаа” деб таржима қилинган (Русча-Ўзбекча луғат. Икки томли. Т. 1. – Тошкент: Ўзбек совет энциклопедияси бош редакцияси, 1983. – Б. 219). “Подданный” эса “фуқаро, табаа, гражданин” (Русча-Ўзбекча луғат. Икки томли. Т. 2. – Тошкент: Ўзбек совет энциклопедияси бош редакцияси, 1984. – Б. 85) дейилган.

СЎЗНИНГ ЛУҒАВИЙ ВА ИСТИЛОҲИЙ МАЪНОСИ

Тилшунослиқда сўзнинг “луғавий маъноси” ва “истилохий (терминологик) маъноси” деган тушунчалар бор. Қонуният шундайки, ҳамма вақт ҳам сўзнинг икки маъносини айнаб бир хил бўлиши шарт эмас. Сўзнинг луғавий маъноси бошқа, истилохий маъноси бошқа бўлиши мумкин. “Фуқаро” сўзига эътироз қилганлар шу қондани ҳисобга олмаган.

“Мажлис” бизга арабчадан кириб келган. Ўзаги “жаласа”. Лекин бугун арабларнинг ўзига “мажлис” десангиз, “ийгилиш”ни эмас, “диван”ни тушунмишди. Нима, шуни рўқач қилиб, энди “мажлис” сўзидан ҳам воз кечайликми?! Очиги, бу калиманинг диванни англатишини ўзбекларимиз орасида араб тили мутахассисларидан бошқа ҳеч ким билмайди-ку. Ёки “илож” сўзи ҳам арабча. “шифо”, “даво” маъносини ифодалайди. “Муолажа” билан бир ўзакдан ясалган. Лекин бизда ҳеч ким: “Бемор илож толди”, демайди-ку. Чунки биз “илож” сўзига бутунлай бошқа маъно юклаб олганмиз. Қўллаётганимизда касаллик тузалиши билан боғлиқ маънони ҳеч биримизнинг ёди-хаёлимизга келмайди.

ИНСОН, ШАХС, ФУҚАРО

Амалдаги Конституциямизда “инсон”, “шахс” ва “фуқаро” ҳуқуқий истилоҳ ҳисобланади. Асосий қонунимизда жами бўлиб 7 минг 592 та сўз қўлланган. Шундан 14 таси – “инсон”, 35 таси – “шахс” ва 67 таси – “фуқаро”. Ҳатто Конституциянинг учинчи бўлими “Жамият ва шахс” деб номланади ҳам. “Инсон” ва “шахс” сўзлари “фуқаро”га нисбатан кенг тушунчалар ҳисобланади. Улар мамлакатимизда яшаётган барча кишиларни, шу жумладан, Ўзбекистон фуқароларини ҳам кўзда тутди.

Асосий қонунимизда 7 бор “ҳар ким”, 6 қарра эса “ҳеч ким” ишлатилганки, моҳиятан булар ҳам шахсларга тегишли сўзлар ҳисобланади.

“Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўз-

гартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги конституциявий қонун лойиҳасида эса “инсон” 32, “шахс” 48, “фуқаро” 37 қарра истифода этилган.

ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТУШУНЧАЛАР: “ВАТАН” ВА “ВАТАНДОШЛАР”

Маъмур лойиҳада, жумладан, муҳим бир янгилик амалга оширилди – Конституциямизга “Ватан” ва “ватандошлар” тушунчаларини олиб кириш таклиф этилди.

Лойиҳада 52-модда қуйидаги мазмундаги биринчи қисм билан тўлдирилиши кўзда тутилган: “Ватанга бўлган садоқат муқаддасдир”. Мустақиллик йилларида “Ватан” тушунчасининг моҳияти бутунлай ўзгарди, Ўзбекистонимизни англатадиган бўлди.

Хўш, “ватандош” истилоҳи кимни англатади? Лойиҳада Конституциянинг 22-моддасини қуйидаги тахрирда баён этиш кўзда тутилган:

“22-модда. Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудидан ҳам, унинг ташқарисидан ҳам ўз фуқароларини ҳимоя қилиш ва уларга ҳоимийлик кўрсатишни кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистондан ташқарига чиқариб юборилиши ёки бошқа давлатга берилиши мумкин эмас.

Давлат хорижда яшаётган фуқаролар ва ватандошлар билан алоқаларнинг сақланиб қолиши ҳамда ривожланиши тўғрисида ғамхўрлик қилади”.

Кўриниб турибдики, “ватандошлар” истилоҳи асли ўзбекистонлик бўлган, аммо турли сабаблар билан бизнинг фуқароликдан чиққанлар ва уларнинг авлодларини кўзда тутди. Бундай ватандошларимиз турли миллат вакиллари бўлиши ҳам табиий. Улар орасида бизнинг фуқароликдан чиқиб, бошқа давлат фуқаролигини олган, аммо тақдир тақозоси билан яна она юртга қайтиб келиб яшаётганлар ҳам бор.

“МИЛЛАТДОШЛАР” ТУШУНЧАСИНИ ҲАМ КИРИТАЙЛИК!

Шўро даврида “Ватандош” радиоси фаолият олиб боради. Унинг ўзбекча эшиттиришлари Ўзбекистондан ташқарида яшаётган барча ўзбекларга мўлжалланган бўлар эди.

Аммо бугун, модомики, “Ватан” тушунчаси Ўзбекистоннинггина англатадиган бўлганидан кейин “ватандош” тушунчаси Афғонистон, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон ва Қозоғистонда аср-асрлардан буён яшаб келаётган ўзбекларни қамраб олмайди. Чунки улар ўз юртида яшапти. Бирор ердан, жумладан, Ўзбекистондан кўчиб бормаган. Чунки уларни “миллатдош” деймиз.

Шундан келиб чиқиб, ана шу 22-модданинг 3-банди қуйидаги тахрирда қабул қилинса, ҳар тарафлама маъқул бўлар эди:

“Давлат хорижда яшаётган фуқаролар, ватандошлар ва миллатдошлар билан алоқаларнинг сақланиб қолиши ҳамда ривожланиши тўғрисида ғамхўрлик қилади”.

Чунки Ўзбекистон Республикаси қўшни давлатларда яшаётган миллатдошларимиз билан мустахкам алоқалар сақланиб қолишидан ҳар тарафлама манфаатдор.

ХУЛОСА

Демак, “фуқаро” сўзи 1992 йили Конституциямизга тасодифан, сунъий равишда ёки хато тарзда киритилган эмас. Ўзбек тилида “фуқаро” сўзининг “гражданин” маъносини ифодалаш жараёни тадрижий тарзда, яъни табиий ривожланиш йўли билан кенган. Биз бу сўзни Конституция учун ўйлаб топмаганимиз, уни тойдан тараша тушгандек қабул қилмаганимиз. Азалдан тилимизда бор эди, айнан “гражданин” маъносини ифодаларди ҳам. Унинг “камбағаллар” деган маънони англатиши омманинг ёди-хаёлида йўқ ва бу калиманинг тарихий манбаларда учрайдиган маъноси эди, холос.

Шундай экан, бундай бузғунчиликка етаклайдиган машмашалар кимга керак? Сохта ақллилик қилмайлик! Тилимизни бунақа ўзимизда тафтиш этиб, халқни чалғитмайлик! Элимизнинг бу борада яратган зўр бир мақоли бор. Келинг, уни сал юмшатиброк эслатиб қўяйлик: “Кераксиз жойни қашлаб нима қиласиз?!”



Султонмурод ОЛИМ, филологик фанлари номзоди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

“ЁШЛАР ҚАНОТИ” ТАШАББУСИ БИЛАН

БИЛИМ ВА СПОРТ МАЙДОНИДА

АНДИЖОН ✓

O'zLiDeP Андижон вилоят кенгаши қошидаги “Ёшлар қаноти” ташаббуси билан Андижон шаҳридаги “Эко ёшлар боғи”да учрашув ташкил этилди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси Умидаҳон Зокирова, партия марказий аппаратынинг ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Жамшидбек Жалолов, сиёсий кучнинг Андижон вилоят кенгаши раиси, вилоят кенгаши де-

путати Хуршидаҳон Халилова, маҳаллий кенгаш депутатлари, БПТ раислари, партия фаоллари, ёшлар ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар давлатимиз раҳбарининг 30 июнь – Ёшлар куни муносабати билан мамлакат ёшларига йўллаган байрам табриги хусусида, шунингдек, ўз зиммаларидаги долзарб вазифалар хусусида фикрлар билдирди.

Тадбир “Конституция билимдонлари” беллашуви ва

спорт мусобақаларига уланиб кетди. Кўтаринки кайфиятда ва ноанъанавий тарзда бўлиб ўтган учрашув якунида фаол иштирокчилар партиянинг эсдалик совғалари ва ташакурномалари билан тақдирланди.

Шухрат БОЗОРОВ,
O'zLiDeP Андижон вилоят кенгаши ёшлар ва бизнес тузилмалари билан ишлаш бўлими мудири



БУХОРО ✓

O'zLiDeP Бухоро вилоят кенгаши ёшлар ва бизнес тузилмалари билан ишлаш бўлими ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги Фижудун туман туман бўлими ҳамкорлигида ҳудуддаги “Зарафшон” МФЙда жойлашган болалар ва ўсмирлар спорт мактабида маҳаллалардаги 30 ёшгача бўлган навқирон авлод вакиллари ўртасида волейбол бўйича мусобақа ўтказилди.

Мазкур беллашувларда маҳалланинг 20 дан ортиқ спортга ихлосманд ёшлари иштирок этиб, ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Қизиқарли ва мurosасиз кечган баҳсларда фахрли биринчи ўрин МФЙнинг Янгиработ кўчаси жамоасига, иккинчи ўрин эса Хонсолор кўчаси ёшларига, учинчи ўрин Шоғолон кўчаси вакилларига насиб этди.

Мусобақа сўнггида ғолиблар ва фаол иштирокчиларга партия вилоят кенгаши ва ҳамкор ташкилотларнинг диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Фирдавс ПИРНАЗАРОВ,
O'zLiDeP Бухоро вилоят кенгаши ёшлар ва бизнес тузилмалари билан ишлаш бўлими мудири



ЖИЗЗАХ ✓

O'zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши ёшлар ва бизнес тузилмалари билан ишлаш бўлими томонидан Дўстлик тумани “Манас” МФЙда “Заковат” интеллектуал ўйини ўтказилди.

Ўзбек ва қирғиз миллатига мансуб юртдошларимиз ўртасида аҳилликни янада кучайтиришга хизмат қилган ушбу тадбирда 6 та жамоа ўзаро беллашди.

Ғолибларга O'zLiDeP Жиззах вилоят

кенгашининг диплом ва эсдалик совғалари топширилди. Тадбир сўнггида маҳалла ёшларининг маданий ҳордиқ чиқаришларига кўмаклашиш учун концерт дастури ҳам ташкил этилди.

Холбек АСАТОВ,
O'zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши ёшлар ва бизнес тузилмалари билан ишлаш бўлими мудири



САМАРҚАНД ✓

O'zLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши, партия қошидаги “Ёшлар қаноти” гуруҳи, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ҳамда Самарқанд иқтисодий ва сервис институти ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилиши қўллаб-қувватлаш бўлими ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги тўғрисида “Конституция билимдонлари” интеллектуал мусобақаси ташкил этилди.

Мусобақада ўндан ортиқ ёшлар жамоаси беллашди. Таъкидлаш жоизки, мазкур танловдан кўзланган мақсад Бош қомусимизнинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш орқали ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини ошириш, ижтимоий-сиёсий жараёнларда уларнинг фаол иштирокини таъминлашдан иборат эди.

Ўзаро баҳсларга бой ўтган интеллектуал мусобақа якунида ғолибликни қўлга киритган жамоаларга тадбир ташкилотчиларининг 1-, 2- ва 3-даражали дипломлари ва партиянинг эсдалик совғалари топширилди.

Қодир ШАИМОВ,
O'zLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши ёшлар ва бизнес тузилмалари билан ишлаш бўлими мудири

СИРДАРЁ ✓

O'zLiDeP Сирдарё вилоят кенгаши томонидан ёшларнинг тадбиркорлик ва фермерлик фаолиятига қизиқишини кучайтириш, ўз бизнесини ташкил этиш учун иқтисодий ва ҳуқуқий шартнолар яратиш, уларни мамлакатимиз келажиги йўлидаги иштирокини, ишбилармон аёл бундан 17 йил аввал фермер хўжалигига асос солган эди. Айни пайтда бу ерда 70 га яқин киши меҳнат қилиб келмоқда. Уларнинг 35 нафари хотин-қизлар. 118 гектар майдондан ҳар йили мўл ҳосил кўтариб,



тумани кенгаши ходимлари, депутатлар, тажрибали ва ёш тадбир-

корлар, Ёшлар ишлари агентлиги Гулистон шаҳар бўлими, маҳал-

лалардаги ёшлар етакчилари, Ёшлар парламенти ва “Ёшлар қаноти” аъзолари, ОАВ вакиллари иштирок этди.

Унда сўзга чиққанлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, барча иштирокчиларни ушбу сиёсий жараёнларда фаол иштирок этишга чақирди.

Ҳусан ЖАББОРОВ,
O'zLiDeP Сирдарё вилоят кенгаши ёшлар ва бизнес тузилмалари билан ишлаш бўлими мудири

ОГОҲЛАНТИРИШДАН ОГОҲ БЎЛИНГ, АКС ҲОЛДА...

Мамлакатимиз қонунчилигига кўра, иш берувчи давлат рўйхатидан ўтказилган санадан ёки меҳнат шартномаси (контракти) тузилган санадан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмай меҳнатда шикастланиш, касб касаллиги ёки меҳнат мажбуриятларининг баҳариши билан боғлиқ ҳолда ходимнинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарни қоплаш бўйича ўз фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиши шартлиги кўрсатилган.

Туманимиздаги бюджетдан маблағ билан таъминланганидан аксарият маънасида таъминотлар томонидан мазкур талаб амалга ошириб келинмоқда. Лекин хусусий корхоналар, фермер хўжаликларидан иш берувчилар ўз фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилдириш лозим бўлса-да, амалда, жумладан, 2020-2021 йиллар давомида аксарият тадбиркорлик субъектлари, фермер хў-

жаликлари иш берувчилари ўз фуқаролик жавобгарликларини суғурта қилдирмаган.

Айниқса, кичик ва хусусий корхоналар, фермер хўжаликлари иш берувчилари бир қанча огоҳлантиришимизга қарамасдан, ушбу талабга ҳозирги кунга қадар панжа орасидан қараб келмоқда. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодекснинг 49-моддасида ўз фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилдирмаган маснабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача жарима солиниши кўзда тутилган.

Тиббиётда касални даволагандан кўра, унинг олдини олган афзал деган гап бор. Шу жумлани сал ўзгариш билан ифодаласак, қонунбузар сифатида жавобгарликка тортилгандан кўра, огоҳлантиришларга амал қилиб, қонунларга сўзсиз бўйсунган яхшироқдир.

Қаландар КОМИЛОВ,
Сурхондарё вилоят бандлик бош бошқармаси давлат техник инспектори



ва амалий кўникмани шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Уларга тижорат банкларидан кредит олиш тартиблари тўғрисида тушунчалар берилиб, амалдаги қонуний-меъёрий ҳужжатлар билан яқиндан таништирилди. Оилавий тадбиркорлик, хўнарамандлик ривожлантириш, оилавий бизнесни йўлга қўяётган хо-

тин-қизларнинг иқтисодий-ҳуқуқий билимлари ошириш борасида амалий тақлифлар ўртага ташланди.

Ғолиб ва совриндорларга вилоят ҳамда Яқкабоғ туман кенгашларининг диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Сайфулла ИКРОМОВ,
“XXI asr” мухбири

КҮРИК-ТАНЛОВ

ГУЛШАН БЕРДИЕВАДАН ЎЗИБ БЎЛМАДИ

“ИШБИЛАРМОН АЁЛ” КҮРИК-ТАНЛОВИНИНГ ЯҚКАБОҒ ТУМАН БОСҚИЧИДА ЎТТИЗГА ЯҚИН ФЕРМЕР, ҲУНАРМАНД, ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОР ХОТИН-ҚИЗЛАР ИШТИРОК ЭТДИ. ИШТИРОКЧИЛАР ДАСТАВВАЛ ТУМАНДАГИ “SITORA IMKON RLYUS” НОДАВЛАТ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ФАОЛИЯТИ, БУ ЕРДА ХОТИН-ҚИЗЛАРГА КАСБ-ҲУНАР ЎРГАТИШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР БИЛАН ЯҚИНДАН ТАНИШДИ.

Биринчи ўринга “Турдиев Достон Ғайратович” фермер хўжалиги раиси Гулшан Бердиева лойиқ деб топилди. Узоқ йиллардан буён ўзининг тадбиркорлик қобилиятини намоян этиб, эл хурматиға сазовор бўлиб келаётган ишбилармон аёл бундан 17 йил аввал фермер хўжалигига асос солган эди. Айни пайтда бу ерда 70 га яқин киши меҳнат қилиб келмоқда. Уларнинг 35 нафари хотин-қизлар. 118 гектар майдондан ҳар йили мўл ҳосил кўтариб,

давлат шартномаларини ортиғи билан уддалаб келаётган фермер аёл замонавий ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, қишлоқ одамларига намунали хизмат қилиш мақсадида бир нечта янги лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш борасида изланмоқда.

Танловда Гулшан Бердиева сингари тиниб-тинчимас аёллар томонидан намойиш этилган миллий каштачилик маҳсулотлари, келинлик либослари, келин-куёв сарполлари

анжуман иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

– Ўрта мактабда ўқувчиларга бошланғич таълимдан дарс бераман, – дейди Хуршида Юсупова. – Ҳунармандчилик – иккинчи касбим. Бўш вақтларимда миллий либослар тикиш, тақинчоқлар тайёрлашни одат қилганман. Халқ таълими бўлими томонидан ўтказилган тадбирларда маҳсулотларимни жуда кўп бор намойиш этганман. Олти йилдирки, мамлакатимизда хотин-қизлар бандлиги таъминлаш, маънавиятни юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишлар кўлами кенгайди. Опа-сингилларимизни ижтимоий, психологик, ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, касб-хунар ўргатиш борасида O'zLiDeP томонидан ўтказилаётган тадбирлар-

да қатнашиш истагим бор эди. Бугун илк бор ана шундай бахтга муяссар бўлдим. Кўпчилик қизлар мендан маҳсулотларимни тайёрлаш жараёни ҳақида сўзлаб беришимни сўради. Иш тополмай, моддий томондан қийналиб, уйда ўтирган хотин-қизларни имтиёзли тарзда касб-хунар ўргатиш учун шартно яратиб бераётган муассаса фаолияти билан яқиндан танишдим. Бугунги танловда иштироким жамиятимизнинг фаол аъзоси сифатида мени янада юксалтирди, билим ва тажрибамни оширишда маҳорат мактаби вазифасини ўтади. Бунинг учун ташкилотчилардан миннатдорман.

Кўрик-танлов жараёнида хотин-қизларда тадбиркорликни бошлаш учун зарур бўлган назарий билим

ДАБДАБАЛАР ЭЛНИ ДАБДАЛА ҚИЛМОҚДА

XX асрнинг бошларида яшаган маърифатпарвар адиб Абдулла Авлоний **“Бизни илмсизлик, тарбия-сизлик, тўй деб мингларча ақчаларни беҳуда исроф этмаклик оғир аҳволга солди. Ағниё ва сарватдорларимиз тўй пойгаси қилиб, фақир ва камбағалларимиз бор-йўқларига қарамасдан уйларини, боғларини, тўнларини сотиб, тўйга сарф қилмоқдалар. Тўй деган ерда муқаддас Ватанни сотишдан той-майдиған, истиқболни ўйламаған ва болаларининг саодатини тушунмаған бир қавмдан қандай тараққий, маданият ва маърифат кутмоқ керак?”**, дея афсус-надомат билан ёзган эди.

Орадан бир аср ўтса-да, шу мулоҳазаларни ўқир эканмиз, тўй-маросимлардаги дабдабазолик, исрофгарчилик, манманлик каби иллатлардан халос бўлиш халқимиз, жамиятимиз учун ҳали-ҳануз долзарб бўлиб турганини янада тараққий қилиш керак.

Тўғри, йил сайин тўй ва маросимларни ўтказишда ҳам янгилашлар, ўзгаришлар юзага келмоқда. Бундан 15–20 йил аввалги тўйларни кўз олдимизга келтирайлик. Улар тўй эгасининг хонадонидида, ҳовлисида, қишлоқларда эса далаларда ўтказиларди. Бундай тўйларга сарфланган маблағ, харажат кам бўларди. Аммо уни ўтказишда ташвишлар бирмунча кўпроқ эди. Эндиликда тўйлар махсус тўйхоналарда бўлиб ўтмоқда. Кейинги йилларда нафақат шаҳарларда, туман марказлари, қишлоқларда ҳам муҳташам тўйхоналар барпо этилди. Бу тўй ва маросим эгаларини ортиқча ташвишлардан халос қилди. Тўйлар ниҳоятда тартиб билан, югур-югурлардан холи, маданий жиҳатдан юксак савияда бўлиб ўтмоқда.

Бу яхши, албатта. Аммо булар ўрнига эндиликда бошқа бир ташвишлар нарли муаммо юзага келмоқда. Тўйларга сарфланган маблағ, харажат микдори ошиб бормоқда. Бугунги кунда тўйхоналарнинг ҳашамдорлиги, хизмат кўрсатиш даражаси ва бошқа жиҳатларига қараб ҳар бир тўй учун ўртага 50–60 миллион сўмдан ҳатто 80–100 миллион сўмгача маблағ сарфланмоқда. Ҳозирги кунда тўйлар қандай ўтганига эмас, қаерда, қайси тўйхонада нишонланганига, қанча одам қатнашганига, унга қанча миқдорда маблағ сарфланганига қараб баҳо бериладиган бўлди.

Дабдабали тўйларни қисқартириш, ортиқча сарф-харажатларни йўл қўймаслик борасида кўп гапирилди.



Ҳатто “Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” қарор қабул қилиниб, унда тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказишда шухратпарастлик, ўзини кўз-кўз қилиш, бошқаларнинг ижтимоий аҳволини инобатга олмаслик, исрофгарчилик, халқимизнинг урф-одат ва анъаналарини менсимаслик каби иллатларга қарши зарур чора-тадбирлар белгилаб қўйилди. Бундан ташқари, коронавирус пандемияси шароитида тўйларда меҳмонлар сонини қисқартириш, камчилик билан, камхарж қилиб ўтказиш бўйича қарорлар қабул қилинди. Ушбу тартибга амал қилмаганларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди. Аммо, афсуски, бу чоралар тўйларни бирозгина тартибга солаётгандек туюлса-да, барибир самараси кутилганидек бўлмаяпти. Ҳар қандай чора-тадбир, тушунтириш-тарғибот бўлмасин, тўйлар билан боғлиқ ташвишли муаммоларимиз ўзанидан чиқса чиқаяптики, ари-

гани йўқ. Сабаби эса яна ўз-ўзимизга боғлиқ, катталаримиз, ёшларимиз, ҳоё ҳавасларимиз билан боғлиқ.

Асосан хоразмликларга хос бўлган “қиз базми”, яъни хоразмча айтганда “ҳўйна ёқар” деган маросим кейинги пайтларда бўлғуси қудалар ўртасида турли келишмовчиликларнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда. Боиси дастурхонга кетадиган асосий сарф-харажатлар, санъаткорлар куёв томон зиммасига юклатилади. Келин бу кун учун алоҳида либосни ижарага олади. Аксар ҳолларда “қиз базми” ҳам никоҳ тўйи сингари тўйхонада ўтказилади. Баъзида меҳмонларнинг салмоғи ҳам бир хил бўлиб қолади. Одатда икки кун давомидида бир хил тўйхонада, бир хил даврада, бир хил дастурхон атрофида кечаги санъаткорнинг репертуарини худди ўша тартибда эшитиб ўтирасиз. Тан олиш керак, бу ниҳоятда ортиқча исрофгарчилик дегани.

Вилоятимизда бу борада ташвиқот ишлари қарийб ўн йиллардан бери олиб борилади. Тўйдан ол-

динги бу тадбирни қисқартириш масаласи мутасаддиларнинг доимий назоратида. Минг афсуски, кўпчилик ота-оналар “Эрка қизим хафа бўлмасин!” дея бу маросимни катта тўйга айлантириб юбояпти. Куёв томонга очикдан-очик “солик” солиб, турли низоларни келтириб чиқаряпти.

Сўнгги пайтларда ҳарқалай аксар оилалар “қиз базми” ортиқча сарф-харажат, куёв томонни оғир вазиятда қолдиришга уриниш эканини англаб етмоқда. Жойларда “Биз ўзaro келишиб қиз базмини ўтказмай-диган бўлдик, унинг ўрнига зарурий маиший техника сотиб оламиз”, деган фикрларни эшитиб, баъзида хурсанд бўламиз. Бу энг тўғри танлов эканини таъкидлаймиз.

Биламизки, қадриятлар – ҳар бир миллатнинг ўтмиши, бугуни ва келажagini ўзида акс эттирувчи кўзгудир. Табиийки, миллатларнинг бебаҳо қадриятлари шунчаки бир-икки ёки ўн-ийгирма йил ичида пайдо бўлиб қолмайди. Халқ дилига чуқур ўрнашган анъана, кундалиқ ҳаёт тарзига

хос алоҳида урф-одат қадриятга айланиши узоқ асрларни талаб қилади. Шундай урф-одат, қадриятлар борки, улар бугунги дабдабали, ким ўзарга ўтказилаётган тўйларимиз сабаб ўзининг асл мазмун-моҳиятини йўқотиб, тобора “замонавийлашиб” бормоқда. Ана шундай урф-одатларимиздан бири келин томоннинг бўлғуси қудаларидан “ундириб” оладиган “қалин пули” дир. Бошқа вилоятларга қараганда Хоразмда қиймат даражаси анча юқори бўлган “қалин пули” туфайли қудадандалар ўртасида тушунмовчиликлар, ўзаро келишмовчиликлар юзага келмоқда. “Олий маълумоти қиз фалон сўм”, “Ўрта махсус маълумотга эга қизнинг қалин пули мана мунча”, “Ўқимаган қиз арзонроқ” каби ғализ тушунчалар, ноўрин қарашлар одамларимиз орасида онг, фикр ва тафаккур танқислиги оқибатида авж олмоқда. Бу мавзуда баъзида чуқур ўйга толамиз. “Қизимнинг қалин пули учун фалон сўм берасан”, дея турли шартларни қўяётган ота-оналар наҳотки фарзандининг янги оиладаги ҳаётини, бахтини ўйламаса?! Қиз фарзанд ҳар бир оиланинг бебаҳо бойлиги, ғурури, ор-номуси. Қани айтинг-чи, унинг инсонийлик қадр-қимматини баҳолаб бўладими?

“Қалин пули” билан боғлиқ кўнгилсиз ҳолатлар эртага ҳар иккала тараф, айниқса, қайнона-келин ўртасида турли келишмовчиликларни келтириб чиқармайди, деб ҳеч ким қафолат бера олмайди. Қайнонанинг “Сенинг қалин пулинг учун фалон сўм берганман”, “Мен сени сотиб олганман”, “Сен менинг хизматкоримсан” қабилидаги дашномлари эса келинни, яъни бир оиланинг гулдек қизининг бошини ҳам, кўнглини ўқис қилиб қўйиши, ҳар иккала томонда норозилик кайфиятини уйғотиши турган гап. Бу берида мисол ҳолос. Қанчадан-қанча дабдабали тўйларнинг охи-

ри яхшилик билан тугамаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Энди ўйлаб кўрайлик, бир пайтлар, яни бундан 30–40 йил аввал ораимизда ажрашаётганлар, оиласини ташлаб кетаётганлар, судга, турли идораларга қудаси, келини, куёвини ёмонлаб борадиганлар, қонуний ниҳоятдан ўтмагани учун оғзи куйиб, боласига алимент ундира олмай, икки, уч ҳатто, тўрт-беш нафар фарзанди билан кўчада сарсон қоладиган аёллар бўлмасди. Бугун фаолиятимиз давомидида бу сингари ҳолатларга деярли ҳар кун ичра келамиз.

Кексаларимиз дуога қўл очганда, тинчлик-хотиржамликдан сўнг “Топаган-тутганинг тўйларга буюрсин, ҳаммамизни тўйларга етказсин” деб ният қилади. Тўй кўрсан, элга дастурхон ёксан, деган орзуни дилига тулмаган ота-она бўлмаса керак. Бироқ бутун йиғиб-терганини биргина тўй ва унинг ташвишга совириб, эртага топажак даромадини эса тўйдан кейинги машамалару қарз-ҳаволани қайтаришга сарфлаётган айрим ҳавойи кишиларнинг аҳволидан оғринасан киши.

Юқорида тилга олинган муаммоларнинг олдини олиш учун тегишли мутасаддилар тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришлари керак, деган фикрлар кўп таъкидланади. Биз, энг аввало, тўй эгаларининг дунёқарашини ўзгартиришимиз лозим. Шундагина эл орасида дабдабазолик камайиб, тўйлар қарз-қурз, етишмовчилик, оғриқлар келтирувчи ташвишга эмас, қариндошлар, қўни-қўшнилар ўртасидаги меҳр-оқибатни мустаҳкамловчи, чинакам қадриятларни тараннум этувчи ғўзал маросимга айланади.

Гулсара ҚУРБАНБАЕВА,
Хоразм вилояти ҳокими ўринбосари – Ойла ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи

РЕКЛАМА

“АГРОБАНК”НИНГ МОЛИЯВИЙ КЎМАГИДА ОЧИЛГАН АГРОМАРКАЗЛАР

фермер ва томорқачиларга уруғ хариидан маҳсулот сотишгача барча юмушларда каямарбаста бўлмоқда

Халқимизни деҳқончилиги боғдорчиликда устаси фаранг дея алқаймиз. Аммо ривожланган мамлакатларда аҳолининг атиги 3 фоизи қишлоқ хўжалиги соҳасида банд бўлиб, қолган 97 фоиз аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаётган бир шароитда бизда самарадорлик, маҳсулдорлик пастилиги муаммоларига қолмоқда. Қора меҳнатга асосланган асрий тажрибаларимизни камситмаган ҳолда, бугун ер илмида ҳам ақлий меҳнат бирламчи аҳамият касб этаётганини унутмаслигимиз керак.

“Агробанк” АТБ мижозларига молиявий хизмат кўрсатишга қўлай, айна пайтда деҳқончилиги боғдорчиликка илғор тажрибаларни татбиқ этиш, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга илмий ёндашиб, соҳада самарадорлиқни оширишга ҳаракат қилмоқда. Фермер ва томорқачиларнинг меҳнат маҳсулдорлиги кўтарилиши ортидан бойиши, ўз навбатида, банк фаолиятига ҳам ижобий таъ-

да матбуот анжумани ташкил этилди.

– Мамлакатимизда барча соҳалар ислохотларга ҳамоҳанг тарзда ривожланиб бормоқда. “Агробанк” АТБ амалга оширган кенг қўламли трансформация жараёни натижасида банк экотизими яратилди. Хизматлар қўламли ошиб, сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди, – деди “Агробанк” АТБ бошқарув раиси ўринбосари Эркин Қаҳқоров. – Айниқса, қишлоқ хўжалигини илмий асосда тараққий эттиришда ҳам кўзга кўринарли амалий ишлар олиб боришмоқда. Президентиимизнинг 2021 йил 16 декабрда қабул қилинган “Томорқадан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, шунингдек, аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан аниқ мақсадли саъй-ҳаракатлар бошлаб юборилган.

Томорқа эгаларига қўлайлик яратиш мақсадида “AgroZamin O‘zimizniki” онлайн платформаси ишлаб чиқирилиб, шу йил 1 апрелдан ишга туширилди. Бу платформа орқали томорқа ер эгасига ўз маҳсулотини онлайн сотиш, уруғ, кўчат, минерал ўғитларни сотиб олиш, видео қўллашмалар, онлайн маслаҳат олиш имконияти яратилди. Шунингдек, маҳсулот ва хизматларни онлайн тарзда “Агромамарказлар”га буюртма бериш имконияти тақдим этилди.

Республика бўйича томорқачилар, деҳқон ва фермер хўжаликларига “бир дарча” тамойили асосида хизмат кўрсатиш учун худуд ихтисослашувидан келиб чиқиб, 167 та агромамарказ ташкил этилди. Фарғона вилоятига уюштирилган пресс-тур иштирокчилари Фарғона шаҳри ва Ўзбекистон туманида жойлашган агромамарказлар фаолияти билан яқиндан танишиб, мижозларга кўрсатилаёт-

ган хизматларни жойида бориб кўришга муваффақ бўлдилар.

– Агромамарказлар орқали томорқачилар, деҳқон ва фермер хўжаликларига “ерга ишлов бериб, уруғ қадашдан тайёр маҳсулотгача” бўлган занжирли тизимни қамраб олган хизматлар кўрсатишмоқда, – дейди “Агробанк” АТБнинг тегишли департаменти директори ўринбосари Озодбек Сайдиёев. – Хусусан, агроном, ветеринар, ўсимликларни ҳимоя қилиш, хизмат кўрсатувчи мобил гуруҳлар, томчилатиб суғориш, паррандаци-



лик, қўенчилик, боғдорчилик ва узумчилик йўналишида консалтинг (маслаҳат) хизмати; техника хизматлари, минерал ўғитлар етказиб бериш, сунъий уруғлантириш, транспорт хизматлари; етиштирилган маҳсулотларни сотиб олиш, қайта ишлаш ва сотиш тизими ҳам босқичма-босқич йўлга қўйилляпти.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари пресс-тур давомида Ўзбекистон туманида яшайдиган Омонжон Эргашев хонадонидида бўлдилар. Шу ерда туриб, синов тариқасида агромамарказга буюртма қилинди. Санок-ли дақиқалардан сўнг мобил гуруҳ керакли воситаларни келтириб берди.

Томорқа эгаси Омонжон Эргашев техник фанлари номзоди, ҳозир пенсияда. Тарвузни вертикалига устирган, 25 сотихга экиладиган



кўчатни 2 сотихга жойлаштирган. Ер шу тариқа 12 марта тежалган. Бошқа вилоятлардан ҳам келиб, бу илғор тажрибани ўрганиб кетишмоқда.

– Тарвузни осиб ўстиришни интернетдан кўриб, ўзимизга мослаштирдик. **1 млн. 400 минг сўм харажат қилиб, 15 млн. сўм даромад олдик,** – дейди Омонжон ака. – Иссиқхонада биогумусга уруғ қадаб, кўчат етиштирдим, **15 апрелда очик ерга ўтказдим.** Ҳар бир тарвуз **5 килодан 17 килогача тош босди.** **20 кун олдин ҳаракат қилинганда даромад 30 млн.га борарди.** Ҳозир ҳам ёмон эмас. Деҳқончиликда нима муаммо бўлса, уруғ ёки дори керакми, мутахассис ёрдамими – барча юмушда агромамарказ кўмакка шай. Шу тизимни йўлга қўйганларга раҳмат!

“Агробанк”нинг молиявий кўмагида очилган агромамарказлар бутун бир мажмуани ташкил этади. Қишлоқ хўжалигининг барча йўналишларида асқотадиган уруғ, дори, техника воситалари дўкони ҳамisha гавжум бўлади. Агробабиотария иши эса, ростини айтганда, жудаям юришиб кетмаган. Боиси, мақола аввалида айтилганидек, ҳали халқимиз деҳқончилик, чорвачилик ва боғдорчиликка илмий ёндашишга қўниқканча йўқ. Бунинг афзалликларини шахсий тажрибасида синаб кўрган юртдошларимиз экин экишдан олдин тупроқни лабораторияда текшиштириб, керакли тахлилларни олишга ҳам ҳадемай одатланади. Чунки илгари олис туманларда минг хоҳласанг ҳам, бунга шарт-шароит йўқ эди. Қолаверса, пешона тери билан етиштирилган маҳсулотларни энди олибсотарлар арзонгаровга харид қилиб кетмайди. “AgroZamin. O‘zimizniki” онлайн платформаси савдо бўлими мўймай пулга харидор топишга ҳам кўмаклашди. “Агробанк” эса халқимизни бир кетмон уриб, юз сўм эмас, минг сўм ишлашга ўргатмагунча тинчимайди. Ахир, мижоз бойиса, банк ҳам бойийди-да.

Самандар ТОИРОВ

Хизматлар лицензияланган.

ТАБИАТ МЎЪЖИЗАЛАРИ

ЖОМБОЙДАГИ ЖОНБАХШ ЖОЙ

ёхуд жазирама ёзда кумда “чўмилиш” фойдалими?

Иссиқнинг зўридан қўшни давлат хариталари қизил ранг олди. Қуёшнинг тафти Ўзбекистонда ҳам бу йил ўзгача. Зарурат бўлмаганда уйдан чиқмаслик тавсия қилиняпти. Аммо айни кунларда боссангиз, оёғингиз куядиган кумда ўзларини кўмдираётганлар оз эмас. “Бу ҳам зарурат, бир ойгина саратон ўтиб кетади, йиллик ҳаловат имкони бу” дейишади улар. Жомбой туманидаги Иброҳим ота зиёратгоҳи ҳудудидаги кумлоқда самарқандликлар қаторида Тошкент, Сирдарё, Жиззахдан атайлаб шифо излаб келганлар бор.

“Мана шу ерда авлиё отанинг қабрлари бор. Маккадан келган зот эканлар. Туяларга ортиб кум олиб келиб иккита жойга тўкиб, ярми аёлларга, ярми эркекларга деб айтган экан. Бу бир ривоят. Лекин Оллоҳ мана шу дунёни раҳматга тўлдириб қўягани рост”.

Ховуз бўйидаги сўрида ўтирган Бозорбой Ҳақимов бу ривоятни шу ерда танишган отахонлардан эшитганман, дейди. “25 йилча бўлдим, ҳар йили даволангани шу ерга келаман. Оёғим оғрийд, белим оғрийд. Оёғимнинг таги михча ургандек, боссам, зириллаб қақшайди. Бурунлари елкагача кўмдирардим. 2-3 йилдан бери юрагим суст ишлайди, энди белимгача кўмдираман. Шу бир йиллик ҳаловатимга етади. Дўхтирга бурсангиз, ҳар олти ойда яна қатнашингиз керак. Тагин укол-дори олмасиз, бунга дори-дармон керак эмас. Ургут узоқ эмас, лекин узоқлардан ҳам қўлишяпти”...

Отахон билан гурунглашиб ўтирган Нормухаммад Эшбеков 64 ёшда. Жиззахнинг Ғаллаоролдан келибди. Далада ишлаган, “пахтага сув қўйганимиз” дейди, 600 минг сўм пенсия олар экан. “Илгари отамиз, энамиз келарди. Энди ўзимизга навбат етди. Оёқ қақшаб оғрийд, зах олган-да. Тиззадан паста оғрийд. Бир тушганда уч кун кетма-кет тушасиз. Юракка қараб 10-15 дақиқа ётасиз, кейин сояга чиқиб, иссиқ чой ичиб дам олиб ўтирасиз. Ярим соат, бир соатдан кейин яна тушамиз. Бир кунда тўрт мартагача тушамиз, бўлди. Фақат юрак очик туради, қолган бутун тана кўмилади”.

Нормухаммад ака бир неча кунга қолиш учун шароит мўжайё ва арзон эканини таъкидлайди. Қанглилик узоқда ишлаётган йигитлар қўмийлигиде бу ерда ўзига хос меҳмонхона қўрилган экан.

Кўмдаргоҳни ўрганишни бошлайман. Ўртада масжид. Масжиднинг рўпарасида ховуз, унинг атрофида лой сўриллар. Чиройли гилалар, тоза, озода кўрпача ва ёстиқлар ташлаб қўйилган. Сал нарироқда Иброҳим отанинг қабри. Масжиднинг орқа томонида аёллар учун кумлоқ, олд томонида дарактлар билан тўсилган жойда эркеклар учун кумлоқ. Ховуз ва дарактларнинг таъсирими, ҳаво шу жойда анча салқинроқ, ҳатто майин шаббода эсиб турибди.

67 ёшли Оққол Маъмирова Сирдарё вилоятининг Сайхунбод туманидан келган. Уни ҳам кўпчилик айтаётган бел, оёқ оғриқлари безовта қиларкан. “Уч кун тушиб кетардик ҳар келганимизда. Бу гал беш кун тушамиз, деяп-

миз. Врачга бурсангиз, гармон-пармон қилиб ташлайди. Икки-уч ой яхши юрасиз, кейин яна бошланади.

Гулистонлик Гулчеҳра Искандарова (48 ёшда) ҳикояси: “Биринчи марта қелишим. Ўтириб, кейин юрсам, оёғимни босолмасдим-да, беш-олти қадам оқсаб-оқсаб кейин юриб кетардим. Автобусдан тушганимда ҳам шундай бўларди. Бозорда гўжа тайёрлаб сотаман. Иссиқ-совуқда у ёқдан-бу ёққа юрамиз, шамоллатганман-да. Тинимсиз ҳаракатдан кейин оёқ кийимларимиз терлайди, уйга келиб алмаштиргунча шамоллаган, деб уйлайман. Оёғим ости, товоним оғрийд. Кўмининг фойдасини келган кўним сезмадим. Иккинчи кун озорқ билинди. Бугун учинчи кун сезяпман, ўтириб турганимдан кейин бемалол юриб кетяпман.

Ангрендан келган Шоҳсанам Кубаеванинг икки ўғли врач экан. У оёғи оғриганда санаторийга ётганида варикозлари кенгайиб, пойабзаллари оёғига сиғмай қолганини эслайди. Санаторийда даволочи врач унга қуруқ ванна кераклигини айтган. Шундан буён ҳар саратонда кумга кўмилиб даво топаркан. Жомбойдаги кумлоқ бошқа ҳудудлардагидан фарқ қилади, дейди у: “Водийга борасиз, тошли кум-да, шифирлайди, баданингиз тез куяди. Шу ерда аста-секин куясиз, таъсириям жуда кучли”. Шоҳсанам пандемия туфайли кумга тушиш имкони бўлмаганида қиши билан қийналиб чикдим, дейди. У яна тиззаларини бука олаётганидан намозини қанда қилмаётганини ҳам қувониб гапирди.

Ҳимматой ая Жиззахнинг Ўсмайдан келибди. Авваллари кумда ярим соатгача бе-



– Врачга борганимиз?

– Йўқ, борганим йўқ. Рўзғор, уй деямиз-да, уч ойча бўляпти оғриганига, оемлар кўмни тавсия қилганди, қўшнилар билан келдик.

Ховузли ҳудуднинг орқа томонига ўтамиз. Соат унлардан ошар экан, энди айримлар аста-секинлик билан футбол майдонича келадиган кумликка қира бошлайди. Одатда аёлларнинг қўлларида соябон, термос, ўзларини ўзлари кўмадиган бўлса кетмончаси. Лекин кўп ҳолатда хотин-қизларни кўмиш учун махсус ишга келадиган аёлларнинг кетмонлари ишга тушади.

Кўмликнинг ўзида суҳбатлашиш учун аёллар томон юраман. Оҳ, оёқ куйди! Қарасам, ҳамма пайпоқда экан.

Бу ерда ҳам суҳбатдошлар бир-бирини такрорлаётгандек гапирди. Оёқ, қўл, бел, буйрак...

лол ёта олгани, ҳозир эса юраги дош беролмай дарров чиққанини айтди.

– Иссиқ-ку, аяжон, – дейман аёлга.

– Барибир ёқади, дардингизни сим-сим тортиб олаётганини ҳис қиласиз, – дейди Ҳимматой ая.

Кумдан чиқиб тутлар соясида, девор панасида тин олаётганлар орасида кимдир чой ичар, кимдир чўзилиб ухлаб қолар, бошқа бир давра эса хангомаю ҳазил-хузулдан бўшамасди. Аёллар кумлоғида ёш болалар ҳам кам эмас эди. Улар катталарга чой олиб бориб бераар, атрофда айланиб, ўзлари ҳам яйрашар, турли қилиқлари билан катталар эътиборини тортишга ҳаракат қилишарди.

Вақт пешинга яқинлашар экан, кумлоққа кирувчилар кўпаяверди. Кўмининг яхшилаб қизиштини кутиб турган Оққол опа ва Гулчеҳралар даврасидаги қабилар ҳам Шоҳсанам каби 35 даражадан бошлаб баданини кумга



мослаштириб, аллақачон бир икки-март кумга кириб чиққанлар ҳам аралашиб кетишади. Кумлик соябонлар кўргазмасига айланади гўё.

Дарактлар остига ўтганларга бўғирсоқ, гўжа ва чой тақлиф этилади. Ўзи билан ёғулигини олиб келганлар аста дастурхончаларини ёзишади. Шунда ҳам кумлоққа кирди-чикди қамаймайди.

Кумлоқда беш нафар хотин-қиз мижозларни кўмиш ва очиш билан банд. Улар меҳнатлари эвазига хизмат кўрсатган аёл кўнглидан чиқариб берган пул билан кифояланади. “30-40 минг топаман” дейди қизалогини аравачада ухлатиб қўйиб ишлаётган Ойгул...

“Касбимизнинг номи йўқ, лекин гўрковга ўхшашироқ” деб ҳазиллашган Хуршида 100 минг сўм билан уйга қайтишни айтади.

Кум мижозлари сояга ўтибоқ эғниларига қалин кийимларини кийишларига эътибор бераман. (Айтишларича, кумдан чиққан одам бир-икки кун сувга тушиши мумкин эмасмиш.) Эркеклар ҳудудига ўтиладиган йўлақда учратганим профессор Собир Раҳмонов ҳам қишги тўн ва қалпоқда эди. Умр бўйи Гулистон давлат университетида ишлаб пенсияга чиққан олим ҳозирда 75 ёшда. Қизиги, у ҳеч қаери оғримаслигини таъкидлайди.

“Кум иммунитетни кўтаради, шамоллаш нималигини билмайсиз, деб маслаҳат беришган. Ҳеч қаерим оғримайди, лекин келаман. Ҳар йили уч кун шу ерда кумга тушаман. Биринчи кун кум қизитиб теридидаги тешикчаларни очар экан, иккинчи кун ўша тешикчалардан бадандаги туз, нима ортиқча бўлса, чиқиб кетаркан. Учинчи кун бу кўмининг таркибида бир қанча микроэлементлар бор экан, автоматик тарзда ўзи тортиб олар экан” деб тушунтиради домла ўз таассуротларини.

Кейин ёшроқ бир йигитга эркеклар ҳудудидан суратлар олиши учун телефонини бе-

риб юбордим...

Шоира Ўролова асли касби шифокор эканини айтади. Лекин анчадан буён расман ишламайди, мана шу даргоҳга боғланиб қолган. У аёлларга маслаҳат бериш билан бирга ўзи ҳам кетмонни олиб уларни кўмиб қўяди. Қон босимини туширадиган, бош оғриғига қарши ва ҳоказо дориларни олиб келиб қўйган. “Лекин дори ҳеч қачон керак бўлмаган. Ёши улўғ онахонларни, сурункали касаллиги бўлган аёлларни кумдан 10-15 дақиқада чиқараман” дейди Шоира. Унинг айтишича, кўмининг таркибини текширтирган. “Кальций ва бошқа микроэлементлар аниқланди. Биринчи навбатда, ревматик полиартритларга, артритларга, эндометритларга, бачадонида эрозияси бўлганларга (лекин миомаси борларга эмас), невритларга, гинекологик жиҳатдан шамоллаши бўлганларга тавсия қилинади. Шунингдек, суякларда синиш ва чиқишлар даволаниб бўлгандан сўнгги тикланишда фойдаси катта”, дейди Шоира.

Кейин кумликдаги бир-икки ёшроқ жувонларга эътиборни қаратади. “Шу кум иссиғи туфайли шамоллаши даволаниб, болали бўлиб кетганлар ҳам бор!”

Соат 15 дан ўтар экан, ҳамон қўлида сумкаси билан кумлоқ томон келаётганларни учратиш мумкин эди. Узоқдан Шоиранинг “Еримиз бугун юмшоқ, маза қиласизлар, кеча оқшом хайдалди, керосин қиммат бўлган, тракторчиға 120 минг беришимиз керак, Кўнглидан чиқариб икки мингми, уч мингми ташлаб кетинглар”, деган гапи эшитилади. Дарвоза олдидаги машиналар эса ҳамон тизилишиб турарди...

Бу йил “кум сайли” одатдагидек фақат саратонда эмас, балки август охириларигача давом этиши мумкинлиги айтилмоқда.

Мустаҳкам ТАНГРИЁРОВА, журналист

АЖАБО!

ТЕЛЕ-РАДИОНИНГ “ТИЛИ” ЎЗГАРАДИ(МИ?)!

Бошқа тилларни билмадим, лекин миллий тилимиздаги энг даҳшатли муаммолардан бири шевачилик кўча-кўйини қўятурайлик, маданият ўчоқлари, жумладан, мулоқот майдонлари саналган телевидение, радио, кинода бор-бўйи билан шармандалаи ахволда акс этаётир. Бизга турли номлар остида тақдим этилаётган (ҳатто улар орасида “Milliy” деганиям борлигига не дейсиз), “ZO’R tv”ни айтмай қўя қолай, хуллас, бир-бири билан шевачилик бобида кимўзарга “мусобақа” ўйнаётган телеканаллардаги “жонли эфир”дан тортиб, ток-моқ шоулар (айрим сериал ва кинолар ва каттаю кичикбоп “хонхатта” кўрсатуви ва х.к.ларни тилга олиш ҳам кулгилли)да қатнашаётган вазиру казо-казо мансабдорлар, номдор тadbиркорларгача, хонандаю актёрларгача (бошқаларни қўяверинг) ўз шевасида тўтиқушдай сўзлаётир. Барака топкурлар, эсланг, Ойбек домла, Шайхзода домла, Асқад Мухтор, Ғани Аъзамов, Шукур Бурҳон, Ориф Алимасумов,



Ўлмас Саиджон, Ғафур Ғулому Ҳамид Олимжон, Турсуной Содикова, Ўткир Ҳошимов, Озод Шарофиддинов, Беғали Қосимов, Аҳмад Аъзам, ажойиб суҳандонлар Қодир Махсумов, Ўктам Жобиоров, Раҳматилла Мирзаев, Насиба Мақсудова, Афзал Рафиқов, Анвар қори Турсун, Алоуддин Мансур, Шухрат Ри-заев ёки мумтоз санъатимиз дарға-си Ўлмас қоридан тортиб, Теша Мўминов, Мирза Азизов, Муҳаммадали Абдуқундузов, Тоҳир Малик, Насиба Абдуллаева, Сафар Остон,

Комилжон Шамсиддинов, ҳатто Ареват Григорян чиройли луфт этган соф адабий тилда нега гапиролмаймиз. Тўғри, улар ҳам бошқа давраларда, гурун-гатакларда танглайи кўтарилган шевасида сўзлагандир. Лекин ҳеч қачон омма олдига чиққанида тилимизга беҳурмат бўлмагани аниқ. Кап-катта раҳбар-

лар телевидениеда ўз шевасида сайраб турса, бошқалардан нимани кутиш мумкин?! Майли, бу талабни оддий халқ вакилига қўйишнинг ўзи мантқиқсизлик, аммо эл назаридаги арбоблар ўзбек тилининг мейёр-қоидаларга ҳар қандай шароитда ҳам амал қилиши шарт! Энди шу ҳақда-ям махсус қарор ё кўрсатма керакмасдир...

Бир қур кўзгуга қараб олайлик, бу ахволда тилимизни меҳр билан ўрганаётган хорижлик меҳмонлар олдида уялиб қоламиз-ку! Демак, энг аввало, ўзбек тилининг миллий қиёфасини ҳар лаҳза англашиб, намоён этиши лозим бўлган барча ТЕЛЕ-РАДИОКАНАЛЛАР тизимида ҳам ЎЗБЕК ТИЛИМИЗНИ жиддий ИСЛОҚ қилиш пайти келди!

Озод ҚАРВОН
2017 йил 27 июль

P.S. Роппа-роса БЕШ йил бурун ижтимоий тармоққа юкланган постимиз экан. Хўш, шунча муддат орасида тилга бўлган муносабат, эътибор ўзгардими? Минг афсуски, унданам беш баттар аҳволга тушгани рост.

АРЗОН, ҚУЛАЙ ВА ТЕЗКОР!



Энди почтани кутиб ўтиришга ҳолат йўқ.

Нашримизнинг электрон версиясига обуна бўлинг.

Бунинг учун телефонингизга

“Play Market” ёки

“App Store” дан

“XXI asr” иловасини юклаб олиб, пул ўтказсангиз кифоя.

Газетанинг электрон обуна нархлари:

12 ойлик – 96 минг сўм;

6 ойлик – 48 минг сўм.

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI			Тахририят манзили: Тошкент шаҳри Нукус кўчаси 73 ^а -уй.		“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.		Тахририятга келган қўлғезмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.	
			электрон почта: xxi_asr@mail.ru xxi_asr@mail.ru		“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бўлмаган чоп этилди.		© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.	
Бош муҳаррир Норқобил ЖАЛИЛОВ			Телефонлар: қабулхона – 71 215-63-80 (тел.факс). Обуна ва реклама бўлими – 71 255-68-50.		Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй. Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ. Буюртма рақами: Г – 751 Адади: 4847 Электрон обуна – 1355 Баҳоиси келишилган нархда. Топширилди – 16:30		Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.	
Тахрир хайъати: Ақтам ХАЙТОВ Дилшод ШОУМАРОВ Шухрат БАФОВ Мавлуда ХУЖАЕВА			Сирожишдин САЙИЙД Аҳдам ШОДМОНОВ Виктор ПАК Насимжон АЛИМОВ		Сардор МУСТАФОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)		Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда дизайнерлар	
							Элёржон Нёъматов, Маъруфжон Раҳмонов саҳифалади.	
							ИССН 2181-497X	
							НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406 123456	
							Навбатчи муҳаррир: Озод РАЖАБОВ	